



## Фракция йиғилиши



## Судлар тизимида “ЯГОНА ДАРЧА” ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

2022 йил 25 июль куни “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш, маъмурий суд ишларини юретишни

ҳалқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида қонун лойиҳаси билан Маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодексларига, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан маъмурий суд ишларини юри-

тишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этиши белгиланмоқда.

Шунингдек, судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш, жумладан, судлар томонидан даъво аризаси, ариза

ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юретишни тугатишни тақиқлаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки иш ишларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш каби процессуал нормалар ўз аксини топмоқда.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, уларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга хизмат қилади. Киритилаётган ўзгартишларни фракция аъзолари маъқуллаб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, ислохотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мухокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

## Инсон қадри учун



## ҚАДРИ БАЛАНДА ХАЛҚНИНГ ҚАДДИ ҲАМ БАЛАНДА!

Абдукамол РАХМОНОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 14 декабрида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамааслаҳат иш тутишимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”, деган сўзлари ҳар доим ёдимизда.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий: “Эл поясин анлай десанг асрорини бил, Кўнглидаги муддаосин исҳорини бил” деганидек, давлатимиз раҳбари ишни кўнгилдан, халқ кўнглини англашдан, ҳар бир инсоннинг қадри-қимматини рўёбга чиқаришдан бошлади. Инсон қадрини кўтариш олий мақсадга айланди.

Ҳа, қўлоққа оддийгина эшитилмаган бу сўз замирида инсоннинг бутун ҳаёти давомида излаган, қўлидан ушлаган, юзларини, бошларини силаган меҳр-мухаббат ва қадр ётади. Инсон қадрини ошириш, аввало, юракка қўл солишдан бошланди. Дил билан тиллашиш, уни эшита билиш, унга қўлоқ солиш орқали ривожланади.

## Олималарнинг экспертлар гуруҳи кенгайдиган бўлди

«Адолат» СДП томонидан мамлакатимиздаги иқтидорли, ташаббускор, олима аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, илмга чанқоқ нолик хилқат вакиллари билан мунтазам равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказиб келинмоқда.

Ана шу мақсадда жорий йилнинг 28 июль куни «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида «Конституциявий ислохотларда олима аёлларнинг ўрни» мавзусида онлайн конференция бўлиб ўтди.

## Машҳурларнинг аёллари



## Гулираъно МАЪСУДОВА: “Ёнма-ён туриб ҳам соғинардик”

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби, кино, театр ва дубляж устаси, халқимиз севган актёр Фатхулла Маъсудовнинг сеvimли рафиқаси, Тошкент шаҳридаги 509-сонли МТМ-нинг тажрибали тарбиячиси Гулираъно МАЪСУДОВА билан суҳбатимиз унинг актёр билан ўтган 32 йиллик сермазмун, серфайз ҳаёти, ибратли умр йўли ҳақида бўлди.

## ТАРИХГА ОШНО АДИБ

Адабиётимизнинг захматкаш ва камтарин вакили, кўплаб роман ва қиссалар муаллифи, “Дўстлик” ордени соҳиби, тарихга ошно адиб, шоир ва публицист Сотим Аваз умрнинг етмишинчи поғонасига қадам қўймоқда. Адибимизда ижодий режалар мўл.

Биз адибни чин дилдан кутлуғ сана билан табриқлаб, янгидан янги асарлар тилаб қоламиз.



## Аччиқ, аммо очик гаплар



## ЮЗИ ЯЛТИРОҚ, ОРҚАСИ ҚАЛТИРОҚ УЙ ҲАНГОМАЛАРИ

Маҳалламизда бирорта боғча йўқ, қўшни маҳаллада 3 та боғча бор экан. Ободонлаштириш бўлиmidан бирор вакил келганини эслоп-маймиз. Уй атрофини айланган бўлсангиз керак. У ерлардаги хужраларда тайини йўқ одамлар яшашади. Баъзи хужралар ахлатга тўлиб ётибди. Каламуш, сичқон ва ҳар хил жонзотлар макон қилиб олган. Ёгингарчилик пайтларида канализация қопқоқларидан ахлатлар чиқиб, бадбўй ҳид тарқалади. На ҳокимият вакиллари, на туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳолимиздан хабар олишмайди. Мана, сизга “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”даги аҳвол.



# ҚАДРИ БАЛАНД ХАЛҚНИНГ ҚАДДИ ҲАМ БАЛАНД!

Бу ишларни сўзда эмас, амалда бажариш амалдорларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди. Шундай бошланган йилнинг бош шiori мамлакатда яшовчи инсонларга фаровон турмуш яратиш, оғирини енгил қилиш, меҳр улаштириш йўналишлари. Унинг дастурига халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилади, деган тамойил асос қилиб олинди. Бундан ташқари, 2016 йилнинг 28 декабрида Президентнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Ҳа, шундай қилиб мамлакатимиз раҳбари ислохотларни амалга оширишни инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришдан, халқ билан давлат ўртасига ишонч кўпригини ўрнатилган бошлади. Инсон ҳуқуқларининг уч ўзагидан бири бўлган Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларини, айнан муносабат қилиш ҳуқуқини амалга оширишлари учун кенг ва тенг шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўртадошларимиз муносабатларига – ўз фикр-мулоҳазалари, ўйлари, дард-ташвишлари, орзу-армонларига олий даражада эътибор қаратилаётганлиги ҳар бир инсон учун муҳим аҳамият касб эта бошлади. Пировардида, одамларнинг ҳаётга, давлатга, жамиятга, келажакка ишончи нафақат мустақамланмоқда, ҳатто хорихда юрган

ватандошларимиз орасида ҳам ортиб бормоқда. Барчамиз ҳаётнинг мавжуд аччиқ ҳақиқатларига юзма-юз келиб, реал воқеликнинг шиддатли тўлиқинида ёниб ишлаш мумкин эканига рўй-рост шохид бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси, аввало, муаммоларга тик қараб, уларни бир четдан ҳал қилишга киришилганидан, ватанпарварликдан, халқчилликдан, шижоат ва жасоратдан далолатдир.

Шижоатли инсонни кўрсанг, шижоатли бўлгинг келади. Улугвор янгликлар, шижоату жасоратлар, албатта, ижод ахлини ҳам кўлга қалам олишга, шижоатли бўлишга даъват этиди. Халқ қабулхоналари ва Ёзувчилар уюشمаси ҳамкорлигида “Халқ қабулхоналари – адиблар нигоҳида” лойиҳаси доирасида ёзувчи ва шоирлар, публицистлар юртимиз ҳаётидаги ўзгаришлардан илҳомланиб, халқ орасига уюштирилган сафарлари, бўлиб ўтаётган учрашувлар, дил суҳбатларида одамларимизнинг шукроналик кайфияти акс этмоқда.

Учрашувларда бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, одамларимизнинг кўнгли тўқ. Шукроналик кайфияти юқори. Эртанги кунга ишончи баланд. Тўғри, ахир Президентимизнинг кўплаб қарор ва фармонларида ўз ифодасини топаётган масалалар аслида халқимизнинг қалбиде сақлаб юрган орзулари эмасмиди?!

Очигини айтиш керак, инсон кеҳсайган сайин иззатталаб, меҳр талаб бўлиб қолади. Мана шундай кеҳса инсонларни қадрлаш, йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришга, кеҳаги меҳнаткаш – бугунги нуруний-фахрийлар ҳурматини жойига қўйишга қаратилган чора-тадбирлар, “Меҳнат фахрийси”, “Маҳалла ифтихори” каби кўркак нишонларини таъсис этиш ҳақи-

даги фармонлар кўпчилигининг дилини яйратди. Бир пайтлар Ватан учун, халқ учун фидокорона меҳнат қилиб, эндиликда кимга муносабат қилишини билмай уйда утирган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иззат-икром топа бошладилар.

Шунингдек, тараққиётнинг тамал тошини қўядиган илм аҳли – академиклар, профессор-ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, улар эъзозланмоқда, заҳматли меҳнатлари муносиб қадрланмоқда. Ёш авлод учун барча даражадаги таълим олиш шароитлари кун сайин кенгайиб бормоқда. Аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масаласи биринчи масалага айланган. Хуллас, ҳеч ким эътибордан, меҳрдан четда қолган эмас.

Шу заминда туғилиб ўсган, шу Ватанни Ватан деб, шу юртни юртим деб яшаётган юрдошларимизнинг бир қисми неча йиллар қалбиде оғир бир дард билан яшади. Бу дард “фуқаросизлик” дарди эди. Давлатимиз раҳбари уларнинг ҳам қалбига йўл, дардига малҳам топди. Шу йилларда бир неча минглаб киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш бахтига муяссар бўлгани ҳам аниқ ҳақиқат. Бугунги кунда Ўзбекистонде жаннатмакон юртининг фуқароси деган шарафли номи кўксиде кўтариб юриш нияти бўлган юракларни дард эмас, муҳаббат, Ватанга муҳаббат, унинг адолатпарвар раҳбарига бўлган муҳаббат эгаллади.

Президентимизнинг 2017 йилдан бери афв этиш билан боғлиқ 21 та фармони асосида беш минг беш юз эллик беш нафар жазо муддатини ўтаётган шахслар афв этилганлиги ҳам, оқлов ҳукмлари чиқариш судлар амалиётида

тез-тез кўриниб қолгани ҳам бежиз эмас. Буларнинг таг замирида инсон қадри мужассам.

Мамлакатимиз раҳбарининг инсонпарварлик ғояларидан яна бирини мисол келтириш мумкин. Президентнинг сиёсий иродаси-ю одилона ва оқилона сиёсати туфайли Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидеги тўсиқлар олиниб, давлатлараро ўтиш йўллари байрамона руҳда очилди. Азал-азалдан бир-бирига меҳр қўйган қардош халқлар ўртасидеги яқин қўшничилик муносабатлари, борди-келди бошланди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва унинг самарали ижро этилиши ордидан ислохотларнинг юқори натижаларига эришилди. Унинг натижаларидан қаноат топган халқимиз 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини жуда кўтаринки руҳда кутиб олишди. Дастурнинг инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мақсади, бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг янги марраларини белгилаб берди.

Очигини айтсам, халқимизнинг юрагидан жой олган дастурлар буюк бобоимиз Алишер Навоийнинг куйидаги мисраларини бот-бот ёдимизга солаверадилар:

*Одами эрсанг демагил одамий, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғамим.*

Ҳа, Президентимиз халқнинг қалбига йўл солди. Ва бу йўл оддий йўл эмас, меҳр ришталарига айланган чарогон кўнгли йўлидир. Зеро, қадри баланд халқнинг қадди ҳам баланд бўлади.

## Конституцияга таклифим бор

Янги Ўзбекистонни бунёд этишдек ғоят масъулятли даврда, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинаётган тарихий жараёнда Конституциявий ислохотлар Ватанимиз тақдирини ва келажак учун ғоят муҳим аҳамиятга эга масалага айланди. Албатта, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади юрдошларимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитларини яратишдир. Бунга мустақам ва пойдевор бўлиб, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг қафолати бўлмаш тақомиллаштирилган Конституциямиз хизмат қилади.

# НОТАРИАТ — инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи муҳим институт

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар ҳаммани бирдек фаоллаштиришда, Конституцияга ўзгаришлар киритиш юзасидан ўз фикрини, қарашларини эркин билдириш имкониятини яратиб берди. Менинг ҳам ўз соҳамга доир, иш фаолиятимда учратган, дилмига тугиб юрган, ўйлантирадиган масалалар бўйича таклифларим бор.

Тан олишимиз керак, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, халқимизга бу соҳада қўний хизматни ташкил этиш борасида, умуман, нотариат соҳасида юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилди. Лекин замон илдамлапти, янги қарашлар, янги талаблар, янги эҳтиёжлар юзага келаяпти. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун эса қўний асослар зарур бўлади.

Масалан, 2019 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич хусусий нотариуслар ташкил этилиди ва барча хусусий нотариуслар 2020 йил 21 январдан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Нотариал палатасига аъзо бўлди. Бу, албатта, фуқароларнинг ижтимоий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сифатини, мулк ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши даражасини янада оширди. Ана шундай ислохотлар туфайли ҳозирги кунда мамлакатимизда 900 нафардан ортиқ хусусий нотариуслар аҳолига хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Хусусий нотариуслар фаолияти йўлга қўйилган нотариат соҳасида эркин рақобат муҳити шаклланди, сарф-ҳаражатлар кескин қисқарди, нотариал хизматларнинг сифати ва тезкорлиги ортди, навбатлар ва ортиқча оврагарчиликлар камайди, аҳолининг нотариал хизматларга бўлган талабини қондириш, ортиқча бюрократия ва коррупция ҳолатларига барҳам беришга шароит яратилди. Шу билан бирга, соҳадаги ислохотлар натижасида миллий нотариат тизими нуфузини янада ошириш, уни халқаро майдонга чиқариш, соҳага оид халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро иккуний иш тажрибаларини нотариат амалиётига тadbик этишга йўл очилди. Ўзбекистон Нотариал палатаси 2021 йил 3 декабрь куни Халқаро Нотариуслар иттифоқи (ХНИ)га аъзоликка қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидламоқчиманки, ХНИга аъзо бўлган аксарият давлатларнинг конституцияларида нотариат тизими – инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи ҳамда ҳимоя қилувчи муҳим институт сифатида мустақамлаб қўйилган. Хусусан, Австрия, Германия, Украина, Греция, Словения, Боливия, Россия, Беларуссия, Аргентина, Бразилия, Панама ва бошқа давлатлар конституцияларида нотариат соҳасига оид нормалар киритилган.

Бизнинг Асосий қонунимизда шундай нормалар акс этмагани боис, Ўзбекистон нотариати тарихида нотариат тизими бир неча мартаба давлат тизимидан нодавлат тизимига, тақоран нодавлат тизимидан давлат тизимига, яна давлат тизимидан нодавлат тизимига ўтказилган. Бу эса давлат маблағларининг ортиқча сарфланишига, тизим ривожланишига барқарорлик йўқолишига, хусусий секторга ишончсизлик уйғонишига омил бўлди ва бошқа шу каби салбий оқибатларни вужудга келтирди.

Бизнинг Конституциямизга ҳам нотариат соҳасига оид ҳаётий нормалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу келгусида тизим барқарорлигини қафолатли таъминлаш, фуқаролар ва соҳа ходимларининг тизимга бўлган ишончини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Таклифим Ўзбекистон Республикаси Конституциясига: **Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура хизмати одил судловни амалга оширишнинг бир бўлаги бўлиб, ўз ишида мустақил ва эркин фаолият юритади. Адвокатуранинг ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонунчилик ҳужжати билан белгиланади.**

**Нотариат тизими давлат ва хусусий нотариуслардан ташкил топади. Нотариат фаолияти оммавий хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб, уни ташкил этиш қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинади,** деган тарзда ўзгариш киритишни таклиф этаман. Ва бу фикрим инobatга олинади, деган умиддаман.

Кенжабой ХОЛМОНОВ, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора нотариуси

«Адолат» СДП Матбуот хизмати

# Олималарнинг экспертлар гуруҳи кенгайдиган бўлди

Тадбирни «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов очиб, мамлакатимизда хотин-қизларга берилган юзасидан эътибор ва яратилган шарт-шароит ҳамда кенг имкониятлар самараси ўлароқ бугун олимпиадаларимизнинг сафи кенгайиб бораётгани, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмалари, инновацион ғоялари, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолияти таълим ва илм-фан соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганини эътибор этди.

Тадбир давомида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланганлиги, ўтган йилларда бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилганлиги борасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-

нунчилик палатаси депутати Гулруҳ Агамованинг маърузаси тингланиб, бугун республикамизда хотин-қизлар ва оила ҳуқуқларини янада мустақамлашда амалга оширилаётган Конституциявий ислохотларнинг аҳамияти атрафлиқча изохланди.

Маълумки, аниқ пайтда Конституциявий комиссия томонидан Асосий қонунимизни такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Комиссия фаолиятига илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, соҳа экспертлари кенг жалб қилинди, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилди. Аҳоли фикрлари ва таклифларини узвий, ўз вақтида қабул қилиш, умумлаштиришнинг аниқ механизмлари жорий этилди. Фуқаролардан келган таклифлар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар «Ўзбекистон Республикаси



Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Тадбирда сўз олган Тошкент давлат юридик университетининг профессори Феруза Мухитдинова Конституциявий ислохотларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашди. Гибрид тарзда ташкил этил-

ган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг турли гушаларидан ZOOM платформаси орқали иштирок этаётган партиянинг ташаббускор аёллари аниқ даврда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида Тараққиёт стратегиясига ўтиш жараёнлари, Бош қомусимизни «инсон – жамият – давлат» тизимини асосида такомиллаштиришнинг ҳаётий за-

рурати ва аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Тадбир якунида Конституциявий ислохотларда партиянинг асосий электорати сафиде бўлган олимпиадалардан экспертлар гуруҳларини кенгайтириш ва учрашувларни давомий ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

# ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ РУҲДА ЎТДИ

«Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши барча туман (шаҳар) кенгаши ходимлари билан биргаликда депутатлик корпусларининг ва маҳаллий партия ташкилотларининг иш фаолиятини янада жонлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Н.Қаипбергеновнинг маърузаси тингланди ва партия маҳаллий кенгашларини эришган ютуқлари баробарида йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан айтиб ўтилди. Эътироф этилганидек, «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан 2022 йилнинг ярим йили мобайнида партия сафига 468 та янги

аъзолар қабул этилиб, 21 та бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва туман шаҳар Кенгаши депутатлик корпуслари томонидан 38 та масала сессия кун тартибига киритилган бўлса, 33 та масала доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган



путатлардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳар ҳафтанинг чоршанба куни мунтазам равишда маҳаллаларда халқ билан юзма-юз мулоқотлар ўрнатилди ва давом этмоқда. Ийгилишда аксарият туман кенгашларининг депутатлик сўровлари юборишдаги фаолияти етарли даражада эмаслиги қайд этилиб, мавжуд муаммо ва

камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Динмухаммад БЕГЖАНОВ, «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ МАХСУС ВАҚОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бугун бўлиб ўтган ялпи мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Улар орасида “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам бор.

Манфаатлар тўқнашуви деганда, энг аввало, давлат ташкилоти раҳбар ходими ва унинг яқин қариндошлари ҳамда унга алоқадор кишиларнинг шахсий манфаатлари билан давлат ва жамият манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келиши ҳолати тушунилади. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, бу давлат ташкилоти раҳбар ходимининг ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйишга олиб келадиган вазият.

Қонун лойиҳасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш соҳасидаги махсус вақолатли давлат органи этиб белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат ташкилоти раҳбар ходимларига кўплаб чекловлар ўрнатилмоқда. Масалан, уларга ўзи фаолият юритаётган давлат ташкилотда ўз қариндошларига тааллуқли ишларни кўриб чиқишда иштирок этиш тақиқланмоқда.

Қодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# НИЛУФАР УЙЛИ БЎЛДИ

Кейинги йилларда маҳаллий Кенгаши депутатлари зиммасидаги маъсулият янада ошди. Сайловчилар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан асосан ўз вакилларига мурожаат қила бошлашди. Худудлардаги мавжуд муаммолар депутатларни жамоатчилик орасига чуқур кириб боришга ундамоқда.



Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳга жорий йилнинг 6 оқи давомида сайловчилардан 151 та мурожаат келиб тушди. Улардан 104 таси ёзма, 44 таси оғзаки, 3 таси электрон кўринишда. Мурожаатларнинг ҳар бири назоратга олиниб, маъсул ташкилотлар билан биргаликда ечим топиш чоралари кўрилмоқда. Шу кунгача 58 та мурожаат ижобий ҳал этилди, 33 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 9 таси узок муддатли ижрога қаратилди.

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталсак. Асака тумани "Аргин" МФЙ "Жон-2" кўчасидаги хонадонларда яшовчи фуқаролар томонидан электр сими ва ёғоч устунларининг эскирганлиги, бу киш фаслида электр таъминотида узил-шларга сабаб бўлаётгани айтилди.

Ўрганиш натижасида сайловчиларнинг ташвиши ўринли экани маълум бўлди. Депутатлик сўровига асосан «Андижон электр тармоқлари» корхонаси томонидан мазкур кўчага 20 донна бетон устунлар олиб келиб ўрнатилиб, симлар янгиланди.

Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган учрашувда сайловчилар депутат Иброҳимжон Митиллаев олдида 38-мактабга таълим муассасасини таъмирлаш масаласини кўйганди. МТМ биноси ҳақиқатан ҳам талаб даражасида эмасди. Бу масала депутатлик гуруҳининг шу йил февраль ойидаги йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Натижада бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиниб, 180 ўрндан 380 ўринга мослаштирилди.

Мурожаатлар орасида фуқароларнинг шахсий муаммолари ҳам эътибордан четда қолмайди. Масалан, Асака туманидаги "Фаровон" МФЙ худудида яшовчи Роҳилоҳон Тожибоева олисми кам таъминлангани, узининг ногиронлиги, 3 та фарзанди билан моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигини билдирган.

Ушбу мурожаат Асака тумани 4-сектор раҳбарлигида фуқаронинг яшаб турган жойига бориб ўрганилди. Оила чиндан ҳам кўмакка муҳтожлиги маълум бўлди. Ҳомийлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, иситиш печи олиб берилди. 1 сотих томорқасида иссиқхона ташкил қилинди. Натижада оила аъзоларининг бандлиги ҳам таъминланди.

Андижон шаҳар 88-оилавий ётоқхонада яшаб келаётган фуқаро Нилуфар Усмонова уй-жой масаласида мурожаат қилган. У бошқалар каби ўз яшаш ўй-бўлишини истади. Бироқ моддий томондан имкони йўқ эди. Н.Усмоновага Хўжабод тумани "Мустақилликнинг 27 йиллиги" МФЙ худудидан 2 сотихли ер ажратилиб, ҳомийлар томонидан 3 хонали уй қуриб берилди. Қўрғонтепа туманидаги "Олтин водий" МФЙда яшовчи фуқаро Муҳаммад Нурматовнинг мурожаати ҳам уй-жой масаласида. Ўрганиш натижасида унга шу йилда қуриб битказилган уйлاردан бири берилди.

*Умуман олганда, биз халқ вакилларининг жамоатчилик орасида бўлишини ўз самарасини бермоқда. Зиммамизга юқлатилган асл вазифа ҳам намуна шу. Бизга йўлланган мурожаатлар ортита фуқароларни қийнаётган муаммолар ва инсон тақдири ётганини унутмаймиз.*

Насибхон ТҲҲИЧЕВА,  
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР



миларни жалб қилган ҳолда 100 донна шифер олиб берилди.

"Мулканлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зарифа Мансурованинг фарзандини даволатиш мақсадида қилган мурожаати асосида унга фарзандининг соғлигини тиклаш учун депутатлик шахсий маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, мазкур маҳаллада истикомат қилувчи Дилафруз Ибрагимованинг ўғли, 1-гурӯх ногирони Сардор Зиятовга эшитиш мосламаси олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати асосида депутат томонидан туман тибиёт бirlашмасига депутатлик сўрови чиқарилиб ҳамда унга эшитиш мосламаси берилди.

Бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш долзарб вазифадир. Бу борада депутат Шоира Акбарова томонидан партиянинг "Бир ойда – бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 15 нафар ишсиз ёшлар ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

– Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тиришининг муҳим масалалари устида бош қотириб, зарур тақлифларни илғари суришда умумий мақсадларимиздаги ҳаётий ва халқчил хусусиятларни ҳам намоён қила олишимиз лозим, – дейди депутат Шоира Акбарова. – Қолаверса, аҳоли орасида электротартибни шакллантириш, хусусан, ёш кадрларни иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар кўрсатилишини тартибга солиш, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий адолат таъминлашнинг амалга ошириш юзасида бошлаган амалий ишларимизни давом эттириш олдимизда турган долзарб масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, халқнинг ишончли вакили бўлишнинг ҳар ўзига ҳам маъсулият ва мажбурияти бор. Уларни ўқитиб бажарган депутатларга халқ эъзозига ва ҳурматига сазовор бўлишди.

Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

# ДЕПУТАТЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Сайлов

"Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши партиянинг Сайловолди дастурини амалга ошириш, гоё ва мақсадларини тарғиб қилишни ўз фаолиятининг асосий мезонлари сифатида белгилаб олган. Шунга мувофиқ дастурлар ишлаб чиқилган ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса сафдошларимизнинг кўпайишида, партиянинг танилувчанлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидagi вакилларимиз сони ҳам ортиб бормоқда.



Дастлаб қувончи хабар Чортоқ туманидан келди. 54-Ҳамид Олимжон сайлов округида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган ўринга сайлов ўтказилди. Аниқроғи, овоз беришнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Чунки икки ҳафта илгари бўлиб ўтган "бахс"да депутатликка номзодлардан ҳеч бири эллик фоизли маррадан ўта олмаганди.

– Ушундан партиядошимиз Саидолим Абдураҳмонов салкам қирқ беш фоиз овоз тўплаб биринчи ўринни эгаллаган эди, – дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев. – Шунинг учун иккинчи босқичда ғолиб чиқиши мумкинлигини тахмин қилгандик. Айни пайтда тарғибот ишларини қучайтирдик. Қўшни туманлардан ҳам фаолларни жалб қилдик. Натижа кўнгилдагидай бўлди, юзимиз ёрғ бўлганидан ҳаммамиз хурсандимиз. Энди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги гуруҳимиз аъзолари сони олти кишига етди. Бу фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда "Адолат" СДП вилоят кенгаши депутатликка номзодни тўғри ва ўринли танлаганини қайд этиш лозим. Саидолим Абдураҳмонов Чортоқ туманида туғилиб ўсган, қирқ олти ёшда. Касби – журналист. Ҳозир вилоят мактабгача таълим бошқармаси ахборот хизматининг раҳбари. Аввалроқ қатор оммавий ахборот воситаларида, жумладан, "Адолат" газетасида ишлаган. Бир муддат партия вилоят кенгашининг раиси ўринбосари бўлган. Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият олиб бorgan.

– Сайловчилар, қолаверса, партиядошлар билдирган ишонч зиммамга катта маъсулият юқлайди, – дейди халқ депутатлари туман Кенгашига ўтказилган сайлов ғолиби Саидолим Абдураҳмонов. – Халққа хизмат қилиш учун бор билшимиз ва қуч-ғайратимизни ишга соламан. Юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ўз ҳиссамни қўшаман.

Норин туманида учта сайлов округида бўшаб қолган ўринлар учун халқ депутатлари туман Кенгашига ўтказилган сайловда ҳам партиядошларимиз фаол қатнашди. 14-Бўстон сайлов округида «Адолат» СДП туман кенгаши томонидан Акрамжон Мамаатов номзоди кўрсатилганди. Сафдошларимиз сайловолди кампаниясини намунали ташкил этди.

Маълум бўлишича, номзодимиз 55 фоиздан кўпроқ сайловчиларнинг ишончини қозонган. Бундай кўрсаткич билан тўртта рақибни доғда қолдириш осон эмас, албатта. Акрамжон Мамаатовни биринчилар қаторида «Адолат» СДП туман кенгаши раиси Носиржон Ҳасанов бошчилигидаги фаоллар кутлашди.

– Биз номзод танлашда кўпчилик билан маслаҳат қилгандик, – дейди тумандаги партиядошларимиз етакчиси. – Биринчи навбатда унинг жамиятдаги обрў-эътиборини ҳисобга олдик. Рақиблар ҳам ўзига яраша маъқега эга одамлар бўлгани эришилган ютуқининг аҳамиятини тасдиқлайди. Ўзини ўйлаб кўрин, техникум директори, сиёсий партиялардан биринчи туман кенгаши раиси, фермер ҳўжалиги раҳбари, таниқли таббиринг. Сайловчилар бизнинг номзодни улардан афзал кўрганидан бениҳоя хурсандимиз.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига сайланган партиядошимиз Акрамжон Мамаатов ўн йилдан бери «Бўстон» муқобил машина-трактор паркиннинг раиси. Аввал фермер ҳўжалигини бошқарган. Аслида бундай одамларни суяг дехқончиликда қотган, дейишди. Кишлоқ ҳўжалигини, одамлар билан ишлашни яхши билгани учун у раҳбарлик қилаётган «Бўстон» доим илғорлар сафига. Энди Акрамжон депутат сифатидаги фаолиятида ҳам ўзини намоён этади.

Дарвоқе, жорий йилнинг август ойида яна қатор туманларда оралиқ сайловлар бўлиши кутилмоқда. Уларда ҳам сафдошларимизга омад тилаймиз.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,  
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби



# ИЧКИ ЙЎЛЛАР АСФАЛЬТЛАНМОҚДА

Партия депутатларига ўз муаммолари билан мурожаат қилаётган фуқаролар сонининг тобора ошиб бораётганлиги, энг аввало, мурожаатларнинг ижобий ҳал этилаётганлиги, муаммоларнинг жойида ечимини топаётгани билан боғлиқдир. Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилар депутатлик гуруҳлари ҳам сайловчилар ишончи ўлароқ зиммасига юқлатилган вазифаларни фаоллик билан амалга оширмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Сарисий туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам халқ манфаатларини рўёбга чиқариш, аҳолининг тақлиф ва муаммоларини ўрганишга аълоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Тумандаги 13-Тоғ гаваҳари сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Сарисий туман Кенгаши депутати Шавкат Сурхонова тумандаги "Феруз" МФЙ фуқаролари томонидан маҳалланин ички кўчаларига тош-шағал ётқизибли, асфальтлаш зарурилиги хусусида мурожаат келиб тушган эди. Депутат муаммони атрафлича ўрганиб, туман "Йўлқурилиш" корхонаси мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. Депутатлик сўровига мутасаддилар томонидан ижобий жавоб қайтарилиб, маҳалланин ички кўчаларига тош-шағал ётқизилди ва айни пайтда асфальтлаш ишлари олиб бориляпти. Депутатимизга тумандаги "Кончилар" МФЙга фуқаролари билан юзма-юз мулоқотларда фуқаролар маҳаллада ичимлик суви йўқлиги, мазкур муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам беришини сўраб мурожаат қилишган эди. Депутатимиз ушбу муаммони

ўрганиб чиқиб, туман "Сувоқова" унитар корхонасига мурожаат қилди. Кўп ўтмай "Кончилар" МФЙга ичимлик суви келди. Шунингдек, депутат жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида партиянинг "Ҳар ойда – бир иш ўрни" лойиҳаси бўйича 8 нафар ёшни ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатди.

Депутат Абдулла Жалиловга ҳам тумандаги "Алишер Навоий" МФЙ фуқаролари билан юзма-юз мулоқотларда мурожаатлар келиб тушди. Хусусан, аҳолининг маҳалладаги ички кўчалар носозлиги юзасидан қилган шикоятлари ўрганилиб, депутат ташаббуси билан 800 метр ички кўчалар асфальт қилинди. Шунингдек, депутатга Сарисий туманидаги "Саъди Шерозий" МФЙ худудида истикомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар маҳалладаги электр трансформаторини алмаштириш тўғрисида мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўрашди. Мазкур муаммо юзасидан ҳам депутат туман Электр тармоқлари корхонаси раҳбарига депу-

татлик сўрови юборди ва айни пайтда маҳаллага янги трансформатор ўрнатилди.

Бундан ташқари, тумандаги "Саъди Шерозий" МФЙда "Аёллар дафтари", "Темир дафтар" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи бемор фуқаролардан даволашни учун амалий ёрдам сўраб қилинган мурожаатларга кўра депутат томонидан маҳалладаги тўрт нафар аёлга даволашни учун ордер олиб берилди. Шунингдек, депутат ташаббуси билан мазкур маҳаллада ишсиз юрган етти нафар ёшга туман АТ "Микрокредитбанк"дан кам фоизли кредит ажратилиб, улар тадбиркорликка жалб қилинди.

Шунингдек, халқ депутатлари Сарисий туман Кенгаши депутати Қумридин Насриддинов ташаббуси билан тумандаги "Шарқ юлдузи" МФЙдаги 2,5 километр узунликдаги ички йўлларга тош ётқизилди. – Худудимизда 2 ярим минадан ортақ аҳоли истикомат қилади. Ички кўчалардаги ўйдим-чуқур йўллар йўловчи-ю ҳайдовчига бирдек ноқулайлик туғдиради. Аҳоли қор-ёмғирли кунларда, айниқса, оғирлашарди. Ўйдим-чуқур йўллар кишини ҳолдан тўйдирар эди, – дейди "Шарқ юлдузи" МФЙ фуқароси Апламурод Азизов. – Мана, буёун кўчаларимиз обод бўлди. Маҳалладошларимизнинг қувончи чексиз. Оғиримизни енгили қилиб, йўлларимиз раван бўлишига ҳисса

қўшган депутатимизга чексиз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Депутатга тумандаги "Наврўз" МФЙдаги фуқаролардан ҳам ички йўлларни таъмирлаштириб бериш юзасидан мурожаатлар келиб бериш.

– Ушбу муаммо юзасидан бир қатор мутасадди ташкилот вакилларига мурожаат қилган эдик. Натижа бўлмагач, депутатга мурожаат қилишга қарор қилдик. Ўз фаолияти, жонқурлиги билан сайловчилар ишончини қозонган депутат бу масалани ижобий ҳал қилишга астойдил киришди, – дейди "Наврўз" МФЙ раиси Умурзоқ Мавлонов. – Натижада муаммо ўз ечимини топди. Ниҳоят, депутат ташаббуси билан маҳалламиздаги кўчанин 1500 метр қиликка тўлиқ тош-шағал ётқизилди. Депутат томонидан ана шундай ишлар "Қорасув" МФЙдаги кўчаларда ҳам амалга оширилди. Туман "Йўлқурилиш" ташкилоти билан ҳамкорликда мазкур маҳалланин ички кўчаларидан 1700 метр йўлга тош-шағал ётқизилди ва асфальт қилинди. Шунингдек, депутат маҳалладаги хорликда бўлиб қайтган беш нафар ишсиз ёшларга тадбиркорлик қилиши учун банкдан имтиёзли кредит олишига кўмаклашди.

Айни пайтда, депутатлик гуруҳи раҳбари Абдулла Жалилов ташаббуси билан жорий йил олти оқи мобайнида Ҳара-

кат дастури ва дастурдан ташқари умумий ҳисобда депутатлик гуруҳларида 2 та масала, доимий комиссияларда 1 та масала, сессияларда 1 та масала кўриб чиқилди, 7 та мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитилди. Бугунги кунда туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 5 та масала навбатдаги сессиялар муҳокамасида кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

– Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиялари ва доимий комиссиялар йўғилишлари муҳокамасига масалалар киритишда сусткашликка йўл қўётганимизни ҳам таъкидлаб баҳолаш жоиз, – дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Абдулла Жалилов. – Чунки ҳудудий дастурлар ижросидаги иштирокчимиз айнан маҳаллий Кенгаши сессиясига киритилган тақлифларимиз ва уларнинг рўёбга чиқиши орқали ҳам белгиланади.

Аҳоли томонидан келиб тушаётган ҳар бир мурожаат назоратга олинаётганлиги, уларнинг ажарияти ижобий ҳал қилинаётгани жойларда фаолият олиб бораётган партия фаоллари ва депутатларимизнинг аҳоли ишончини қозонишига ҳамда электротар вакилларни ва кенг жамоатчилик ўртасида партиянинг сиёсий обрўси янада ошишига ҳўсша қўшиши табиий.

Гулшод ТУРСОАТОВА,  
Сурхондарё вилоят кенгаши  
матбуот котиби

Аччиқ, аммо очик гаплар

# ЮЗИ ЯЛТИРОҚ, ОРҚАСИ ҚАЛТИРОҚ УЙ ҲАНГОМАЛАРИ

Жорий йилнинг эрта баҳоридан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида пойтахтимизнинг барча туманларида мевали ва манзарали дарактлар, буталар кўчатлари ва гуллар экилди. Бу лойиҳа амалга оширилганидан сўнг шаҳримиз янада яшарди. Ана шу жараёни ёритиш мақсадида Чилонзор туманига йўл олдим. Ўзбекистон Миллий банкнинг собик биноси ҳудудидан ўтар эканман, 10 га яқин 7-8 йиллик қарағай дарактлари шафқатсизларча кесиб кетилганлиги мени ажаблантирди. Бутун Ўзбекистон, республика ахли кўчат экиш, юртни яшил масканга айлантириш ниятида турган бир пайтда Чилонзор тумани “Бешёғоч” маҳалласидаги бу манзарани кўриб, фотокамерани қўлга олиб, кузатишда давом этдим. Ишонасизми-йўқми, баъзи кўчаларда кўчат, гул экиш нари турсин, йўловчилар йўлчалари йўқлигидан лол қолдим.

“Фурқат” берк кўчаси, “Сув-соз”, “Бешёғоч-1” ўнқир-чўнқир кўчаларидан юрар эканман, чанг-тўзонда учиб келаётган енгил автомашиналарга чап бериб, жажжи неваралари билан кетаётган отахонни кўриб, унга ўзимни таништирдим. Кейфияти йўқлигиданми, гаплашгиси ҳам келмади, лекин пичинг қилди:

– Мухбир экансиз, кўчаларга киринг, йўлларга қаранг. Мана, шу йўлларнинг асфальт қилинганга 20-30 йил бўлди, баъзиларига ундан ҳам олдин асфальт ётқизилган. Маҳаллаимизда ёгин-гарчилик пайтларида келинг. Кўчаларимизда мутлақо юриб бўлмайди.

Отахоннинг гапларидан сўнг кўчаларни айланишда давом этдим. Алмосқон қолган, бир-бирини суяб турган чириган ёғочларга ўрнатилган, йўлдан ўтадиганларга ҳавф солиб турадиган тунги ёриткичлардан ҳайратга тушдим. Ахир ҳайратланмай бўладими, пойтахтнинг қоқ марказида аҳвол шундай бўлса?...

Ҳайдовчилардан бири машинасини тўхтади, мени шаҳар мутасаддиларидан бири деб ўйлади чоғи “Кўчаларга қарасаларинг бўлмайди, юриб бўлмай қолди. Ҳали у чуқурга тушасан, ҳали бунисига. Топган пулимиз машина таъмирига кетаяпти. “Magic City” – “Сехрли шаҳарча” қурилди, бало бўлди. Айниқса, байрам кунлари “Сехрли шаҳарча”га фарзандлари билан дам олишга келган ота-оналар машиналарини маҳаллаимиз ҳудудига пала-партиш қўйиб кетишади. На чиқа оласан, на кира оласан. Тез ёрдам ходимлари турли ка-



салликка чалинган беморларга ўз вақтида ёрдам беролмай қийналмоқда”, деди у.

“Бешёғоч” кўчасидаги кўп қаватли 8-ўйнинг атрофи чақалакзор бўлиб, 3 томони ташландиқ, тўкилиб ётган ҳужрачалардан иборат. Уй этагида отахонлар суҳбатлашиб ўтирган экан. Саломалиқдан сўнг улар бирин-кетин арз-додини айта бошладилар:

– Гусейнов Аҳмадман, – деб

таништирди улардан бири ўзини. – Шу йўлнинг 8-квартирасида тураман, ёшим 67 да. Уй 1938 йилда қурилган. 1995 йилда томдан ўт чиқиб, ёнгин бўлганди, ушунда домнинг электр тизими, томи, яроқсиз ромлардан баъзиларини алмаштиришди, холос. Канализация қисми янгиланмади, капитал таъмир ҳам қилинмади. Ертўлаларга ки-



риб бўлмайди. Болалар ўйнайдиган майдонча ҳам йўқ. – Шу йўлнинг 7-квартирасида 20 йилдан бери яшайман, – дейди Ким Алексей. – Сизгача бир неча бор ҳокимиятдан, ободонлаштириш бўлимидан, Халқ қабулхонасидан, “Бешёғоч” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Абдулазиз Аҳмаджонов келишди, сурагга олишди, эшитишди, ҳал қиламиз, деб ваъда беришди. Амалий ишдан эса дарак йўқ. Ушбу 8-ўйда 18 та хонадон бўлиб, аксари нурунийлардан иборат. 20 га яқин невараларимиз билан оғир аҳволда яшаймиз. Маҳаллаимизда бирорта боғча йўқ, қўшни маҳаллада 3 та боғча бор экан. Уй атрофини айланган бўлсангиз керак. У ерлардаги ҳужраларда тайини йўқ одамлар яшашади. Баъзи ҳужралар ахлатга тўлиб ётибди. Каламуш, сичқон ва ҳар-хил жонотлар макон қилиб олган. Ёгингарчилик пайтларида каналлация қопқоқларида ахлат чиқиб, ҳамма ерга бадбўй ҳид тарқалади. На ҳокимият вакиллари, на туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳолимиздан хабар



олишмайди. Мана, сизга “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”даги аҳвол. Сўхбатимизга яна Аҳмад ака қўшилди.

– Мана, қаранг, 50-60 йиллик занг дарактидан биттаси тенг шикка бўлиниб ётибди. Иккинчиси илгизидан чириган. Қаттиқ шамол бўлган кун бу уйда яшовчилар ҳаммамиз юрагимизни ҳовучлаб тураемиз. Бу ҳақда ҳаммамизнинг хабари бор. Лекин амалий натижа йўқ. Еки даракт ағдарилди, албатта, битта-яримтани майиб қилиши керакми? Кейин тергов ишлари бошланиб, жавобларни қидиришадими? Нега бизда шунақа? Уйимиз орқаси шох-шаббалар, ўтлар қуриб ётган жойга бирорта ўткинчи сизарет қолдиғини ташлаб юборса, ўт ичида қолиб кетамиз.

Буларни эшитиб бўлгач, “Бешёғоч” МФЙдаги 18-уй атрофини айландим.

– Ассалому алайкум, блогерга ўхшайсизми? – сўради, неваралари билан юрган онахон. – Кўп йиллардан бери мени бир муаммо қийнаб ке-



лади. 18-ўйда Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тула, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Шайхзода, Ўзбекистон халқ артисти Анатолий Қобилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Михаил Шевердин ва бошқа олимлар, давлат хизматчилари яшаган. Бундан 40-50 йил олдин “Бешёғоч” МФЙ шаҳримизнинг энг обод маҳаллаларидан бири бўлган. Бугунги кунда уйинча кўча томони обод, орқа томони эса кўриб турганингиздек. Сиз анҳорнинг у қирғоғидаги маҳаллага ўлиб кўринг, фарқни кўрасиз. Осмон билан ерча фарқ бор.

– Сабаби нима деб ўйлайсиз? – деб сўрадим.

– Илгари бизнинг маҳаллаимизда олим у фузалолар, ал-

ломалар яшаган бўлса, ҳозир у қирғоғда замонамизнинг валломатлари яшайди.

Кўпчилликнинг илтимосига кўра Анҳор каналининг у қирғоғидаги маҳаллага ўтдим. Бу ерлар Яқкасарой тумани “Юнус Ражабий” МФЙ ҳудуди бўлиб, кўчалардан юрар эканмиз келма-кет жойлашган ҳашаматли уйлар, кўчанинг икки томонида экилган манзарали дарактларни кўриб, ҳавасим келди. Озода пиёдалар йўлаги дейсизми, кўча ёқасида экилган турфа гуллар дейсизми?! Бир неча кўча бошида туман ободонлаштириш ташкилоти ишчиларининг чор-атрофни тозалаётганини кўриб хурсанд бўлдим. Лекин мен билан мулоқотда бўлган мунис онахон, нуруний отахонларининг саволларига жавоб топа олмай қолдим.

Газетамиз халқнинг юқорида кўтарилган ҳақли эътирози ва саволларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Чилонзор тумани ободонлаштириш бўлими ва бошқа мутасадди раҳбарлардан жавоб кутай.

Даврон АХМАД,  
фахрий журналист. (Суратлар муаллифники)



## ТИЗИМЛИ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИЛАДИ

Бугунги кунда барча соҳалар ислохотларга ҳамоханг тарзда ривожланиб бормоқда. “Агробанк” АТБ томонидан амалга оширилган кенг қўламли трансформация жараёнлари натижасида банк экотизими яратилди, хизматлар қўламли олишиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини илмий асосида тараққий эттиришда кўзга кўриналин амалий ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрда қабул қилинган “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан аниқ мақсадли саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Томорқа эгаларига қўлайлик яратиш

мақсадида “AgroZamin O'zimizniki” онлайн платформаси ишлаб чиқилиб, жорий йил 1 апрелдан ишга туширилди.

Бу платформа орқали томорқа ер эгасига ўз маҳсулотини онлайн сотиш, уруғ, кўчат, минерал ўғитларни сотиб олиш, видео қўллаб-қувватлаш, онлайн маслаҳат олиш имконияти яратилди. Шунингдек, маъруза платформаси орқали маҳсулот ва хизматларни онлайн тарзда “Агробанк”ларга буюртма бериш имконияти тақдим этилди.

Республика бўйича томорқа ер эга-

лари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қилиди. Санокли дақиқалардан сўнг мобил гуруҳ керакли воситаларни келтириб берди.

Томорқа эгаси Омонжон Эргашев техника фанлари номзода, ҳозир пенсияда. Тарвузни вертикалига ўстирган, 25 сотихга экиладиган кўчатни 2 сотихга жойлаштирган. Ер шу тариқа 12 марта тежалган. Бошқа вилоятлардан ҳам келиб, бу тажрибани ўрганиб кетишмоқда.

– Тарвузни осиб ўстиришни интернетда кўриб, ўзимизга мослаштирдик. 1 миллион 400 миња сўм харажат қилиб, 15 миллион сўм даромад олдик, – дейди Омонжон Эргашев. – Иссиқхонада био-гумусга уруғ қадаб, кўчат етиштирдим. 15 апрелда очқ ерга ўтқаздим. Ҳар бир тарвуз 5 килограмдан 17 килограммгача тош босди. 20 кун олдин

лари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик етиштирувчиларига барча турдаги, хусусан, “ерга ишлов бериб, уруғ қадашдан тайёр маҳсулотгача” бўлган занжирли тизимни қамраб олган хизматлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, “Агробанк”ларда агроном, ветеринар, ўсимликларни химия қилиш, хизмат кўрсатувчи мобил гуруҳлар, томчилатиб сугориш, паррандачилик, қўнчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида консалтинг (маслаҳат) хизмати;

– Техника хизматлари, минерал ўғитлар етказиб бериш, сунъий уруғлантириш, транспорт хизматлари;

– Етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш тизими ҳам йўлга қўйилган.

ОАВ ходимлари пресс-тур давомида Ўзбекистон туманидаги Омонжон Эргашевнинг хонадонига борди. Шу хона-



донда туриб, синов тариқасида “Агробанк”га буюртма қилинди. Санокли дақиқалардан сўнг мобил гуруҳ керакли воситаларни келтириб берди.

Томорқа эгаси Омонжон Эргашев техника фанлари номзода, ҳозир пенсияда. Тарвузни вертикалига ўстирган, 25 сотихга экиладиган кўчатни 2 сотихга жойлаштирган. Ер шу тариқа 12 марта тежалган. Бошқа вилоятлардан ҳам келиб, бу тажрибани ўрганиб кетишмоқда.

– Тарвузни осиб ўстиришни интернетда кўриб, ўзимизга мослаштирдик. 1 миллион 400 миња сўм харажат қилиб, 15 миллион сўм даромад олдик, – дейди Омонжон Эргашев. – Иссиқхонада био-гумусга уруғ қадаб, кўчат етиштирдим. 15 апрелда очқ ерга ўтқаздим. Ҳар бир тарвуз 5 килограмдан 17 килограммгача тош босди. 20 кун олдин



ҳаракат қилинганда даромад 30 миллион сўмга борарди. Ҳозир ҳам ёмон эмас. Деҳқончиликда нима муаммо бўлса, уруғ дори керакми, мутахассис ёрдамими – барча юмушда “Агробанк” кўмакка шай. Шу тизимни йўлга қўйганларга раҳмат!

Пресс-тур қатнашчилари “Агробанк”ларда яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар билан яқиндан танишиб, ўзларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан батафсил жавоб олди.

“Агробанк” АТБ матбуот хизмати

“AGROZAMIN O'ZIMIZNIKI” МОБИЛЬ ИЛОВАСИНИ ЮКЛАБ ОЛИНГ

Андроид (ссылка қўйиш керак)  
IOS (ссылка қўйиш керак)

\*\*\*

«Ўзимизники» – бу бизнес имкониятларини ва географик имкониятларини кенгайтириш мақсадида яратилган аграр сектор учун ягона онлайн хизмат кўрсатиш платформаси бўлиб, фермерлар ва тадбиркорлар учун қўлай воситадир. Платформа экотизимнинг бўлими бўлиб, фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги бизнесини ривожлантириш учун ишончли етказиб бериувчилар ва ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш имконини беради. Фермер хўжаликлари учун бу ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри миқдорларга қўшимча тўловларсиз сотиш, тажрибалар билан бўлишиш ва маҳсулотларини оммага татбиқ қилиш каби шароитларни яратиб беради.

### Тўйхат ўрнида

Таникли адиб, шоир ва публицист Сотим Аваз давлатда шoir сифатида адабиётга кириб келди. Унинг бирин-кетин “Дил ва манзил”, “Хуқук”, “Тонги хислар”, “Кечиккан баҳор”, “Хикматистон” шеърый китоблари нашр этилди, ўқувчилар эътиборига тушди. Айни вақтда долзарб жанр публицистикани ҳам эсдан чиқармади, жиддий шугулланди, унинг бадиий публицистик асарлари 2016 йилда “Энг улуғ, энг азиз” республика танловида биринчи ўринни эгаллагани бунинг исботи.



Сотим Авазнинг “Рутба” романини ўқиб, яна кўп файласуфона айтилган фикрларга дуч келамиз, ҳикматли ибораларни учратамиз. Ҳамадонийни кузатиб Бағдодга борамиз, ундан Марвга, Самарқандга, Бухорога, Гурганжга ҳам қадамимиз этади, сафарда унга ҳамсухбат бўламиз. Асарнинг айрим камчиликлари ҳақида тўхталиш фурсати эмас, гарчи нега муаллиф Ҳамадоний билан Имом Ғаззолийни учраштириб, уларнинг пурмазмун суҳбатини тасвирламади экан, нима учун Ҳамадоний билан Умар Ҳайём гурунгини таърифламади экан, деб ўйлаб қолсак ҳам. Бу, албатта, ёзувчининг ижодий нияти билан боғлиқ жиҳатдир.

Сотим АВАЗ

### Шафоат

Кўнглимнинг девонини булбул ўқийдир бетма-бет,  
Чайқалиб қарсақ чалур, ошуфта гуллар кетма-кет.  
Хар дам ошиқ ҳолатим ҳозик табиб тез англамиш,  
Хаттоким дароим топиб, тирноқма тирноқ, этма-эт.  
Меҳру ишқ уммонининг, бир чеккасинда шукр этиб,  
Сабру андишадамен, қирғоқма қирғоқ, четма-чет.  
Аҳли бедард таънаси, ҳаёлга кўнмас хас каби,  
Сабру бардошини кўнги, сен темир қалқон этма-эт.  
Жон, агар моҳ талъатим марҳаматидандир бино,  
Фикри оғзим анга, қандай дейолгай, кетма-кет.  
Сотим Аваз, ёр васли келажак бирла келгайдир,  
Унга руҳинг етишгай, ўзинг агарда етма-ет.

### Навоийдан газаллар ўқиб

Юрагинга қадалса ногоҳ,  
Ёлгонларнинг ростакан ўқи.  
Шу заҳоти бўлурман эсарроҳ,  
Навоийдан газаллар ўқиб.

Бир қуш каби отилсанг кўкка,  
Ва қулсанг ерга сержадал.  
Ёнбошингда тушганча чўкка,  
Навоийдан ўқурман газал.

Тилинг тангиб боғласа армон,  
Бузлмасанг оламни додла.  
Сенга ўзим берум ўт-забон,  
Навоийдан газаллар ёдла.

Ғамларингни ғамгин оралаб,  
Ўз ғаминга ғамзи қайтарман.  
Терс дунёга тесқари қараб,  
Навоийдан газал айтарман.



### Ичон қалъа



Ичон қалъа ичра қадам ташласам,  
Ёмғирдай ёғилар дилга туйгулар.  
Шунда ногоҳ сура бошласам,  
Бир куч идрокимни ўтмишга улар.

Қадимий гумбазлар пештоқлардан,  
Бир садо келади: “Қалъа – бир тан” деб...  
Ва ногоҳ англайман бир ҳайрат билан,  
“Хаттоки қалъанинг жони – Ватан” деб.

Ичон қалъа аро кезаётганда,  
Атрофим ўрайди оромбахш сабо.  
Унинг бўйларини сезаётганда,  
Бир куч келажакка етмаклар гўё.

Қадимий минорлар чўққиларидан,  
Бир сиймо кулади “Ўзбекистон” деб.  
Шунда қайд этаман дил дафтарида,  
“Хаттоки қалъанинг жони – Ватан”, деб.

Ичон қалъадан мен хушҳол чиққан дам,  
Кузатиб кўяди Ота дарвоза.  
Шунда бир қайрилиб орқамга боқсам,  
Бўлгандек туюлар фахрим овоза.

### Умид боғи

Хар тонгда дунёга саломлар айтиб,  
Боқаман гуллаган умид боғимга.  
У севги ҳисларин беранча қайтиб,  
Қайтаради яна ёшлик чоғимга.

Хар кундуз кўшининг меҳрини ютиб,  
Умид боғим билан машғул бўлам.  
Унинг гулларига жонимни тутиб,  
Тениг йўқ сайроқи булбул бўламан.

Хар оқиом ҳаммани ухлатиб, секин,  
Умид боғим ичра ёлғиз кезаман.  
Шунда кўзларимнинг илпнаётганин,  
Ором огузида аста сезаман.

Бир тонгда айтмасам дунёга салом,  
Ҳеч кимга очмасам кучоғимни кенг.  
Демангиз, у энди тамом-вассалом,  
У умид боғида ухлаб ётар, денг.



# ТАРИХГА ОШНО АДИБ

Хар бир ижодкорнинг ўз кўнгили майли бўлади, хаёлларга берилади, қайси жанрларда ижод қилиши тобора тиниқлашиб боради. Замонавий ё тарихий мавзуларда қалам суриши белгилайди. Бу, албатта, хар ижодкорда хар хил кечади. Сотим Аваз кўнгилида тарихий мавзуларга катта қизиқиш бор эди. Хоразмнинг буюқ тарихи унинг қалбига ширин туйғулар соларди. Зеро, Хоразмнинг буюқ тарихи – халқимиз тарихининг олтин саҳифаларини ташкил этади. Ҳақиқий ижодкор ҳаммаша, одатда, ўз халқининг тарихи билан қизиқади, ўқиб-ўрганеди, у ҳақда асарлар ёзишга ҳаракат қилади. Тарихимиз ҳақида ёзиш, асарлар яратиш, уни ўқувчилар орасида тарғиб этиш, дунёга кўрсатиш хар бир қалам соҳибининг бурчиға айлангани керак.

Сотим Авазнинг қалбига ана шундай қатъият бор эди. У кўп ўқиб-ўрганди. Тарихда юз берган ўхшаш йўқ воқеалар уни оҳанрабодай ўзига тортди. Ҳа, тарихда сеҳр бор! Бошқача айтганда, тарих – илҳом, тарих – кечган умр, тарих – хагина! Аристотель, ўзининг “Поэтика” аса-

Темурғози тўранинг фавқуллода фикрларидан, сўзларидан ҳайратда... Лекин Темурғози тўрани асраб қола олмайди. Бу, албатта, миллат фожиаси эди. Ёзувчи ўз асарига мутелик муҳитининг Ватани қандай ноҳуш ҳолатларга олиб келишини, Чор Россиясининг кўп остида бўлган Хоразмнинг оғир ва эркиз вазиятини, даврнинг фожиасини кўрсатиб берарди.

Кейинги пайтларда адабиётимизда диний-маърифий асарлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Бу жуда ижобий ҳодиса. Бир пайтлар диний-маърифий мавзулар мафқуралар девори ортида қолиб кетганди. Элимизда Қуръони карим маъноларининг таржима қилиниб, катта нусхаларда босиб чиқарилиши, кўпбал диний манбаларнинг изоҳлари билан нашр этилиши бу борада адиблар учун яхши имкониятлар яратмоқда. Таникли ёзувчи Саъдулла Сиёев Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида тарихий роман ёзди. Яқинда ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотурдуий” тарихий романи босилиб чиқди. Озод Мўмин деган ёзувчимизнинг Имом



ларга устозлик қилган, тасаввуф сирларини ўргатган, барчасини халифалик даражасига кўтарган табаррук зотдир.

Хожа Юсуф Ҳамадоний миллодий 1048 йили Ҳамадон шаҳри яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. 1141 йили эса ҳозирги Афғонистоннинг Бомийён шаҳрида дунёдан кўз юмди. Ўзининг васиятига кўра, шайхнинг хоки муридлари томонидан ҳозирги Туркменистоннинг Марв шаҳрига кўчирилиб келтирилди ва дафн этилди.

Сотим Аваз бугунги ёзувчи учун жуда мураккаб мавзунинг дадил қаламга олади ва асарда халқимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган, жонланиш, уйғониш, ривожланиш ва ҳоказо кўп ёруғ сифатларга муносиб XI-XII асрлар диний-таасаввуфий, маънавий-маърифий манзараларини чизишга ҳаракат қилади, айни пайтда адабиётимизни диний-маърифий жиҳатдан бойитишга маълум даражада ўз хиссасини қўшади.

Шуни айтмоқ жоизки, Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида ўзининг асарларидан ташқари, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа таъриханавислар асарларидан кўп маълумотларни билиб олиш мумкин. Лекин бундай сиймолар ҳақида бадиий асар яратилишининг алоҳида аҳамияти бор, улуг зотлар ҳақида кўпчилик ўқиши мумкин бўлган бадиий адабиёт халқимизга кўпроқ зарур. Шу сабабдан, адибларимиз чўчимасдан бундай мураккаб мавзуларга дадил кўл урмоқлари керак, зеро, уллар халқимизнинг маънавий савиясини кўтаришда маъсум ҳисобланадилар.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг диний-таасаввуфий қарашларида Аллоҳ, инсон, табиат тўғрисидаги янгича фикр-мулоҳазалар, ғоялар муътадил мазмун ва шакл-шамойилларда камол топди. Бу қарашлар оқибатда Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг диний-таасаввуфий анъаналарининг ривож топи-

шига кучли маънавий-маърифий таъсир кўрсатди.

Мутафаккирнинг диний-фалсафий қарашлари, серқиррали тасаввуфий таълимоти етук ва маънавий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос эътиборга эга. Доншманд файласуф ўзининг “Рутбат ул-хаёт” асарида шундай ёзганди:

“Исло” калимасининг ўзаги “таслим”дир. Бунда зоҳир ва ботинда илоҳий бўйруқ ва тақиқларга тамоман таслим бўлган, мўмин бўлади. “Иймон” атамасининг ўзаги “эмн” (омонлик, хотиржамлик) сўзидан келиб чиққани учун бундай киши ҳақиқий мусулмон бўлади, хотиржамлик-осойишталикда яшайди...”

Сотим Авазнинг “Рутба” романини ўқиб, яна кўп файласуфона айтилган фикрларга дуч келамиз, ҳикматли ибораларни учратамиз. Ҳамадонийни кузатиб Бағдодга борамиз, ундан Марвга, Самарқандга, Бухорога, Гурганжга ҳам қадамимиз этади, сафарда унга ҳамсухбат бўламиз. Асарнинг айрим камчиликлари ҳақида тўхталиш фурсати эмас, гарчи нега муаллиф Ҳамадоний билан Имом Ғаззолийни учраштириб, уларнинг пурмазмун суҳбатини тасвирламади экан, нима учун Ҳамадоний билан Умар Ҳайём гурунгини таърифламади экан, деб ўйлаб қолсак ҳам. Бу, албатта, ёзувчининг ижодий нияти билан боғлиқ жиҳатдир.

Бу ерда бошқа муҳим ҳодиса бор. Адабиётимизнинг заҳматкаш ва камтарин вакили, кўпбал роман ва қиссалар муаллифи, “Дустлик” ордени соҳиби, тарихга ошно адиб, шоир ва публицист Сотим Аваз умрнинг етмишинчи поғонасига қадам кўймоқда. Адибимизда ижодий режалар мўл. Биз адибни чин дилдан қутлуғ сана билан табриқлаб, янгидан янги асарлар тилаб қоламиз.

Муҳаммад АЛИ  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти лауреати



рида, адабиётни тарих, деб атаган эди. Бунда теран маъно мужассам.

Адиб тарих мавзусига кўл уриб, адашмади. Натихада унинг ижодида тарихий қиссалар, романлар пайдо бўла бошлади. Тарих мавзуси Сотим Аваз истеъдодини чархланда, камолга етишида катта аҳамият касб этди. “Мадрохим Шерозий”, “Мангулик сўқмоғи” сингари асарлар тарих мавзусида қалам тебратадиган жиддий ёзувчи пайдо бўлганидан хабар берди. Дарвоқе, “Мангулик сўқмоғи” тарихий романи учун у 2017 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун ашайлик” танлови ғолиблигидан бири бўлди.

Ёзувчининг яхши фазилатларидан бири унинг тин билмаслигидир. Тарихимизда ёзувчи қалбини ўртантирадиган, изтиробларга соладиган, гоҳо одамнинг ақли бовар қилмайдиган ғайриоддий воқеалар кўп. Шулардан бири – Исфаҳоннинг ўғли, Ферузнинг набираси, маърифатпарвар вазири аъзам Исломуҳжанин набираси Темурғози тўранин аянчли қисмати. Адиб алам билан Темурғози тўрани “Хоразмнинг Мўмин Мирзоси” деб атайди ва унга шеър ҳам бағишлайди. Юрт тушовланган, эркиз, мутелик, қуллик, босқинчиликнинг мудҳиш исканжасига тушган, озорланган кўнгилар... Феруз вафотидан кейинги машъум йиллар... Уч-қуруғи йўқ бекибат замон... Ёзувчи қўлига қалам олар экан, ўқувчини тарихимиздаги энг мураккаб ва чигал даврлардан бирига бошлайди. Романда келажакга катта умидлар боғланган хонзода Темурғози тўранин эсда қоларли образ яратилган. Темурғози тўра – вундеркинд, унинг тутуми ёш бола тутуми эмас, мулоҳазалари катталарнинг мулоҳазаларидан қолишмайди, отаси ҳам, онаси ҳам, боси Исломуҳжа ҳам, бошқалар ҳам

Гулираъно МАЪСУДОВА: “Ёнма-ён туриб ҳам соғинардик”



Гулираъно, ёши улуглар янги турмуш кураётган ёшларни “Юлдузи юлдузига ярашсин”, дея дуо қилишса...

Бувижоним раҳматли ҳамisha уйга совчилар келса, аввало “Юлдузи юлдузига тушсин” деб дуо қилардилар...

Мен бу борада омадлиман. Яратганга минг шукрона-ки, бувижонимнинг ва қўли очиб, юлдузимиз юлдузимизга тушишини сўраганларнинг дуолари ижобат бўлган...

Юртдошларимиз севиб томоша қиладиган, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир эпизоди ёд бўлиб кетган “Утган кўнлар” киносида Зайнаб, “Баҳор қайтмайди” видеофильмида Муҳаддам ва Алимардон Турраевларнинг образини қийлмай қолмай...

Юлдузи юлдузига ярашсин, дея дуо қилишса нечоғлиқ дахлдор? Бувижоним раҳматли ҳамisha уйга совчилар келса, аввало “Юлдузи юлдузига тушсин” деб дуо қилардилар...

Мен бу борада омадлиман. Яратганга минг шукрона-ки, бувижонимнинг ва қўли очиб, юлдузимиз юлдузимизга тушишини сўраганларнинг дуолари ижобат бўлган...

Юртдошларимиз севиб томоша қиладиган, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир эпизоди ёд бўлиб кетган “Утган кўнлар” киносида Зайнаб, “Баҳор қайтмайди” видеофильмида Муҳаддам ва Алимардон Турраевларнинг образини қийлмай қолмай...

Тўғрисиной айтиш керак, таом тайёрлашни яхши билмасдим. Биринчи марта овқат қилганимда шўр қилиб қўйсам, ширин бўпти, деб мактаб-мактаб ейишган...

Ота-онанинг, яқинларининг меҳр-оқибатлиги турмуш ўртоғунгизга ҳам ўтган бўлса керак? Оиламнинг беги нафақат бизга, барчага меҳрли, қалбидарё, меҳри уммон, оилапарвар инсон эдилар...

Уларнинг ишдан келиши ҳаммамиз учун байрам бўлиб кетарди. Ҳаттоки, уйимиз кўнғирогои чалинса, ўғлим билан талаш-тиришчи оочиша шовардик. Уғлим ёш, қаққон бўлгани учун мендан олдин етиб бориб, эшик очса ранжирдим...

Юда оилам раҳмли инсон эдилар. Уйимизга ҳар куни сутчи опа сут олиб келарди, аммо оиламиздагилар дундонинг сўтидан ичар, опа олиб келган судтан ҳеч ким ичмасди. Фатхуллага акам эса опани қаққиб, сут оларди ва устига қўшимча пул ҳам бериб юборардилар...

Одамларни мансабига, кийим-бошига ёки бой-камбағалига қараб ажратмас, ёрдам сўраб келган одам ким бўлишидан қатъи назар, ҳожданини қичарар эдилар, зарил одамга уй олишига ёрдам берганларини, ногирон болани аёлга ҳар ой маошларидан пул ўтказиб туришларини, бир ночор одамнинг томини ёлиб берганларини...

Ота-онанинг, уларнинг касбини жуда ҳурмат қиларман. Лекин негадир уларнинг касбига қизиқмадим. Аммо мен бадиий китобларни кўп ўқиган, ўз дунёси билан, ўз оламидга яшайдиган қиз эдим. Ҳаттоки, соҳиб тузум давридаги тарғибот ва китоблар таъсирида кўзи ожиз, юролмайдиган ногирон бир йилгитта турмушга чиқиб, уни парвариси қилсам, деб орзулардим...

Билан боғлиқ касблар — педиатр ёки тарбиячи бўлсам, дердим, САМПИга кирмоқчи бўлганимда, буюм руҳат бермаганлар, қиз бола учун ўқитувчилик ва боғча оилаки маъқул, деганлар қатъий тарзда. Шу билан тақдирим болалар билан боғланган...

Спортсварлиги соғлом умр кечирилларига замин бўлди. Уйда ҳам спорт анжомлари бор, шароит яратилган. Ҳар куни тонгда, албатта, спорт машғулотларини бажариб, кейин ишга отланардилар. Уғилларимизнинг ҳам спорт билан машғул бўлишларига, ҳатто катта ўғлимизнинг олимпия захиралари коллежида таҳсил олишига ҳам отанининг спортсварлиги сабаб бўлди...

Бундан ташқари, қўли гул пазанда бўлиб, бир кун уйда бўлсалар ҳам, албатта, бирон тансиқ таом тайёрлашни яхши кўрардилар. Таом тайёрлаш услубини мени, қизимни, кейинчалик келинларимни ёнларига қаққиб, эринмасдан ўргатар эдилар. Қо...



— Фарзандлари учун яқин дўст каби сирдош эдилар. Ота билан боланинг орасида сир бўлишнинг, бола ҳар доим ички муаммосини отасига айтиб, маслаҳат ва ёрдам олиши лозим, шунданга ҳаётда қўқилмайди, деб ҳисоблардилар...

— Ҳар қандай бахтиёр инсоннинг қалбига ҳам бир кетмиш жойи бўлиши мумкин. Умр йўлдошиниз ибратли хислатларга эга бўлиши билан бирга жуда кўркам инсон эди. Уни чиройли актрисалардан, партнёрлардан, “Бўшқоқ” мухлисларидан қизғонардидингиз? Турмуш ўртоғингиз-чи? Сизни рашиқ қилиб, муносабатларингизга путур этган вақтлари ҳам бўлганми? — Рашк — бу шахсий масала. Шундай бўлса ҳам жавоб берарман. Қизганганман, лекин бунга ошкор этмаганман, ичмида сақлаганман. Ёшлигимизда бир гал спектаклда қандай сабр билан ўтирганлигини билмайман, ташқарига чиқиб йилғавордим... Ушанда “Сен мени рашиқ қилдингми?” деб роса хурсанд бўлганлар...

Чунки менинг туйгуларим яширинлиги учун, “ота-онани мажбуран менга узашиш, мени севамайди”, деган ҳаёлда юрар эканлар-да. Аммо ўзимни, ҳаётини англаш ёшига етганимдан буларнинг барчаси касб тақозоси эканлигини яхши тушунаман. Расъо Ярашева, Зухра Ашурова каби партнёрларига ҳурматим чекисиз. Дилноза Кубаева-ку менинг ҳаётимда идеалим. Ундаги кўнқоқлик, хушчақчақлик менда йўқ. Шундай аjoyиб, самимий аёллардан рашиқ қилиб бўладимиз! Ишонсангиз, турмуш ўртоғим теватрага директор бўлган, улари аёллардан эмас, кўпроқ телефондан қизганадиган бўлдим. Чунки кечки пайт оила даврасида, болалари, неваралари билан дийдорлашиб, суҳбатлашиб ўтиришга имкон бермасди шу теватра. Гоҳ устозлари, гоҳ шогирдлари, гоҳ мухлислари, танишлари, жамоасидогилар... Ҳаммасининг бир дарди, муаммоси бўлган, ёрдам сўрашарди. Ҳеч кимнинг кўнглини ертгани келмас, ёрдам бергилари келарди. Айниқса, пандемия даврида — бир ҳодимнинг ўзи, биринчи яқини кувид бўлган, касалхонада жой йўқ, ёрдам беринг, дейишарди. Бир кишининг муаммосини ҳал қилиш учун бу киши қаерларгадир кўнқор қилардилар, илтимос қилардилар, асаблари чарчар эди. Мен эса улари аяғим, асрагим келарди. Ҳатто баъзида маслаҳатли иш қилиб қолса, “майли, аданлардан сўрайли”, деб чарчаганла...

Шу ролларини Санжар Саъдуллаев овозлаштиради. Аммо бу турмуш ўртоғимнинг сўнги иши бўлиб қолди... — Актёр театр директори лавозимига тайинланган, одамларнинг умуман муносабати ўзгардими? Унинг атрафдашларга қараш-чи? — Албатта, кутилмаганда оддий актёрликдан директорлик даражасига кўтарилган, атрафларида одамлар жуда қўлайди, бу табиий ҳол. Вақтларини театрга бахшида қилдилар, бор имкониятларни ишга солиб, ҳодимлар орасидagi муносабатларини яхшилаб, улари жипслаштириб, кўпроқ спектакллар яратишга, атрафдагиларни кўпроқ тушунишга, улари билан муаммоларини ечиб беришга ҳаракат қилдилар. Раҳбар бўлсалар ҳам биринчи навбатда актёрман, дер эдилар, ижод қилишдан бир зум ҳам тўхтамадилар.



Гулираъно Маъсудова халқ севаган санжаркорни бахтли қилиш, ўзи эътироф этганидек, ижодини қўллаб-қувватлаб, санъатининг, овозининг оини бўлиб яшаш, унинг вафодор ва меҳрибон аёли сифатида санъат тарихига дахлдор бўлиш бахти насиб қилган аёлдир. Бундай толе ҳақмага ҳақ насиб қилмавермайди. Ўлимизнинг севамли актриса Фатхуллага Маъсудова эса яратган роллари орқали, гоҳ деҳқон, гоҳ шифокор, гоҳ ҳақиқат посбони қийфасида эзулик, табассум барқ зуми хасраси, меҳраб тўла овози, ибратли образлари сиймосида ҳар куни ҳаёотимизга кириб келгилари ва бизни, яъни, ўз мухлисларини яхшиликка, ёрқин келажакка бошлайверади.

Чунки менинг туйгуларим яширинлиги учун, “ота-онани мажбуран менга узашиш, мени севамайди”, деган ҳаёлда юрар эканлар-да. Аммо ўзимни, ҳаётини англаш ёшига етганимдан буларнинг барчаси касб тақозоси эканлигини яхши тушунаман. Расъо Ярашева, Зухра Ашурова каби партнёрларига ҳурматим чекисиз. Дилноза Кубаева-ку менинг ҳаётимда идеалим. Ундаги кўнқоқлик, хушчақчақлик менда йўқ. Шундай аjoyиб, самимий аёллардан рашиқ қилиб бўладимиз! Ишонсангиз, турмуш ўртоғим теватрага директор бўлган, улари аёллардан эмас, кўпроқ телефондан қизганадиган бўлдим. Чунки кечки пайт оила даврасида, болалари, неваралари билан дийдорлашиб, суҳбатлашиб ўтиришга имкон бермасди шу теватра. Гоҳ устозлари, гоҳ шогирдлари, гоҳ мухлислари, танишлари, жамоасидогилар... Ҳаммасининг бир дарди, муаммоси бўлган, ёрдам сўрашарди. Ҳеч кимнинг кўнглини ертгани келмас, ёрдам бергилари келарди. Айниқса, пандемия даврида — бир ҳодимнинг ўзи, биринчи яқини кувид бўлган, касалхонада жой йўқ, ёрдам беринг, дейишарди. Бир кишининг муаммосини ҳал қилиш учун бу киши қаерларгадир кўнқор қилардилар, илтимос қилардилар, асаблари чарчар эди. Мен эса улари аяғим, асрагим келарди. Ҳатто баъзида маслаҳатли иш қилиб қолса, “майли, аданлардан сўрайли”, деб чарчаганла...

Шу ролларини Санжар Саъдуллаев овозлаштиради. Аммо бу турмуш ўртоғимнинг сўнги иши бўлиб қолди... — Актёр театр директори лавозимига тайинланган, одамларнинг умуман муносабати ўзгардими? Унинг атрафдашларга қараш-чи? — Албатта, кутилмаганда оддий актёрликдан директорлик даражасига кўтарилган, атрафларида одамлар жуда қўлайди, бу табиий ҳол. Вақтларини театрга бахшида қилдилар, бор имкониятларни ишга солиб, ҳодимлар орасидagi муносабатларини яхшилаб, улари жипслаштириб, кўпроқ спектакллар яратишга, атрафдагиларни кўпроқ тушунишга, улари билан муаммоларини ечиб беришга ҳаракат қилдилар. Раҳбар бўлсалар ҳам биринчи навбатда актёрман, дер эдилар, ижод қилишдан бир зум ҳам тўхтамадилар.

Гулираъно Маъсудова халқ севаган санжаркорни бахтли қилиш, ўзи эътироф этганидек, ижодини қўллаб-қувватлаб, санъатининг, овозининг оини бўлиб яшаш, унинг вафодор ва меҳрибон аёли сифатида санъат тарихига дахлдор бўлиш бахти насиб қилган аёлдир. Бундай толе ҳақмага ҳақ насиб қилмавермайди. Ўлимизнинг севамли актриса Фатхуллага Маъсудова эса яратган роллари орқали, гоҳ деҳқон, гоҳ шифокор, гоҳ ҳақиқат посбони қийфасида эзулик, табассум барқ зуми хасраси, меҳраб тўла овози, ибратли образлари сиймосида ҳар куни ҳаёотимизга кириб келгилари ва бизни, яъни, ўз мухлисларини яхшиликка, ёрқин келажакка бошлайверади.

“Adolat” мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди.

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати: Баҳром АБДУХАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

1995 йил 22 февралдан чиқиб бошлаган info@adolatg.uz adolatg-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюджетга — 700 Адади — 1334 Босишга топширилган вақти — 21.00 Босишга топширилган нархда Баҳоиси келишилган нархда Таҳририятга келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Muassis: «Adolat» СДП Сийёсий Кенгаши

Зухра ИБРАГИМОВА, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОҶОНОВ, Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Маъсуд қотиб — Абдугани Солиқов, Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.

«Шарк» НМАК босмаханасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.